Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 43 (1611) 2026-YIL 30-OKTABR, JUMA

https://adolat24.uz/ t.me/Gazeta_Adolat

Сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва замонавий муҳандислик йўналишларини ривожлантириш, университетларни илмий ихтиро ва ишланмалар марказига айлантириш, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим вазифамиздир.

Албатта, глобал муаммоларга якка ҳолда ечим топиш қийин.

Сув ва энергетика хавфсизлиги, иқлим ўзгариши, меҳнат бозоридаги технологик ўзгаришлар билим ва имкониятларимизни бирлаштиришни талаб этади.

Шу боис университетлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма таълим дастурлари ва илмий тадқиқотларни кўпайтириш, талаба ва олимлар алмашинувини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Бизнинг бу соҳадаги стратегик мақсадимиз – Марказий Осиёни ўзаро ишонч ва дўстлик диёрига, илм-маърифат, юксак технологиялар ва инновациялар бирлашган умумий интеллектуал маконга айлантиришдир.

Ушбу анжуманда ана шу эзгу мақсадга хизмат қиладиган кўплаб янги ғоялар, амалий таклиф ва ташаббуслар илгари сурилади, деб ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Марказий Осиё халқаро таълим форуми иштирокчиларига йўллаган табригидан

КИНО ОРҚАЛИ ЎЗЛИГИМИЗНИ ДУНЁГА АНГЛАТАЙЛИК



– Демак, томошабин кинодан, кинотеатрларга боришдан воз кечгани йўқ, фақат унинг диди ва талаби ўзгарди, – деди давлатимиз раҳбари.

Миллий фильмларнинг айни талабга жавоб беришига фильм ишлаб чиқаришдан уни томошабинга етказишгача бўлган яхлит занжир – дистрибуция шаклланмагани тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, профессионал кинотанқидчилар фикри билан етарлича ҳисоблашилмаяпти. Мамлакатимиз етакчиси холис таҳлил ижодкорга ўз камчиликларини кўриш ва ўсиш имконини беришини таъкидлади.

2

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАР ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА



Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши депутати Алишер Ҳусаинов ташаббуси билан, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида “Абу Сахий” савдо марказида фаолият юритаётган тадбиркорлар кўмагида жами 82 нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаро иш билан таъминланди. Шундан 74 нафари “Абу Сахий” савдо марказидаги тадбиркорлар томонидан, 8 нафари эса “Ташкент Трейд Центер” корхонаси орқали ишга жойлаштирилди.

4

ПАХТА ДАЛАСИДАН ИЛМ-ФАН ЧЎҚҚИСИГАЧА

...ота-она, мактаб, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари ёшлар тарбиясида ҳамкорлик қилиши лозим. Халқ ишончи ва масъулиятини зиммасига олган раҳбарлар ҳам ҳалоллиги, адолатли қарорлари ва шахсий намунаси билан ёшларга ибрат кўрсатиши зарур.

Ҳамон ўтмишни эслар эканман, бугунги болаларнинг вақти мактабда, кутубхонада, лабораторияда ва илмий изланишлар бағрида ўтишини истайман. Чунки кечаги авлоднинг бой берилган имкониятлари бугунги болалар тақдирида такрорланмаслиги керак.



5



ИНСОН САЛОМАТЛИГИ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Муносабат

Ҳар бир оиланинг бахти, фаровонлиги, жамиятнинг эртанги тараққиёти инсон саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, янги шифохона ва поликлиникалар барпо этиш, тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, замонавий даволаш усулларини амалиётга жорий этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимлари билан учрашувида ҳам тиббиётнинг келгуси тараққиёти, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган янги тизимни шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бирламчи тиббий ёрдам сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

2

Фидойи партиядошларимиз тақдирланди





Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонига мувофиқ Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимини ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ соҳа ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Улар орасида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари – **Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори Ботир Тургунпулатович ДАМИНОВ***нинг* “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони,

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Хуршид Ғайратович ФОЗИЛОВ*нинг* I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан *тақдирлангани биз, “Адолат”чилар учун қувонарли воқеа бўлди.*

Фаол партиядошларимиз мамлакатимиз тиббиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, партиямизнинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқароларга сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлашга қаратилган ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришда, бу борадаги лойиҳаларини амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатиб келмоқда. Уларнинг билим ва тажрибаси, касбий маҳорати ҳамда жамоатчилик ишларидаги фаоллиги партиямизнинг мазкур йўналишдаги вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Азиз партиядошларимизни юксак давлат мукофотлари билан самимий қутлаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, халқимиз саломатлиги ва тиббиётимиз равнақи йўлидаги шарафли фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаймиз!

t.me/Gazeta_Adolat
https:// adolat24.uz/
2026-YIL
30-OKTABR
№ 43 (1611)



КИНО ОРҚАЛИ ЎЗЛИГИМИЗНИ ДУНЁГА АНГЛАТАЙЛИК

Кино санъати миллат учун маданий мероснинг муҳим қисми, миллий ўзликни сақлаш воситаси ва маънавий ҳаётнинг аксидир. У тарихий хотирани сақлаш, миллий қадриятлар, тил, анъана ва урф-одатларни авлоддан-авлодга етказиш, миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш ҳамда ёш авлодни тарбиялашга ёрдам беради. Кино орқали халқ ўз тарихини ҳикоя қилади, ўз идеалларини акс эттиради ва бошқа мамлакатларни ўз маданияти билан таништиради.



Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Ушбу ҳафта аввалида давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг кино арбоблари билан учрашди. Учрашувда келтирилган маълумотлар кино соҳасига давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор изчил кучайиб бораётганини кўрсатади. Жумладан, 2016 йилда фильмлар ишлаб чиқариш учун давлат бюджетидан 10 миллиард сўм ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 218 миллиард сўмга етгани қайд этилди. Соҳани ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар, “Ўзбекфильм” киностудиясининг реконструкция қилиниши ҳамда хусусий киностудиялар фаолиятининг кенгайиши амалга оширилган ишларнинг муҳим натижаларидир.

Бироқ давлат маблағларининг кўпайиши ўз-ўзидан сифатли ва томошабинбоп фильмлар кўпайишини англатмайди. Бу маблағлар самарали механизмлар асосида йўналтирилиши, ижодий рақобатни кучайтириши ва ҳар бир лойиҳанинг бадиий қиймати ҳамда жамоатчиликка таъсирини оширишга хизмат қилиши зарур.

Шу жиҳатдан, Президентимиз томонидан кино соҳасини бошқариш, молиялаштириш ва фильм ишлаб чиқариш вазифаларини аниқ белгилаш, Кинематография агентлиги ўрнига давлат сиёсатини юритиш ваколатларини Маданият вазирлигига ўтказиш, вазирликда Кино санъати департаментини ташкил этиш бўйича билдирилган ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга.

Янги ёндашувнинг энг муҳим жиҳати шундаки, соҳадаги бошқарув вазифалари билан бевосита ижодий фаолият ўртасида аниқ чегара белгиланади. Бу эса қарорлар қабул қилишда масъулиятни ошириш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва ижодкорларнинг мустақил ишлаши учун кенгроқ имконият яратишга хизмат қилади.

Айниқса, “Ўзбекфильм”нинг замонавий бизнес модели асосида ишлайдиган миллий кинокомпания сифатида қайта ташкил этилиши, фильм ишлаб чиқаришни хусусий секторга ўтказиш, лойиҳаларни танлаш, молиялаштириш, тарғиб қилиш ва халқаро бозорларга олиб чиқиш вазифаларини бир тизимга бирлаштириш ташаббуси принципиал аҳамиятга эга. Бу ерда гап фақат ташкилий ўзгариш ҳақида эмас, балки кино соҳасидаги муносабатларнинг мазмунан янгиланиши, давлатнинг ижодий жараёнга ёндашуви ўзгариши ва хусусий сектор учун кенг йўл очилишини англатади.

Учрашувда кино лойиҳаларини молиялаштиришнинг амалдаги давлат буюртмаси ва хариди тизимида муаммолар мавжудлиги очиқ айтилди. Бир режиссёрга олтитагача, бир муаллифга еттитагача лойиҳа бириктирилиши, буюртмаларнинг катта қисми давлат студияларига берилиши ва ишни тезроқ якунлашга устуворлик берилиши ижодий жараён сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланди.

Масаланинг энг муҳим жиҳати шундаки, санъат асарини оддий товар сифатида баҳолаш мумкин эмас. Фильм яратиш жараёнида ғоя шаклланади, сценарий такомиллашади, қаҳрамонлар характери очилади, ижодий ечимлар қайта кўриб чиқилади. Бундай жараённи фақат олдиндан белгиланган техник талаблар билан чеклаш санъатнинг табиатига зид келади.

Шунинг учун давлат буюртмаси амалиётидан субсидия асосида қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш ташаббуси миллий кино ривожи учун янги имкониятлар эшигини очади. Давлатнинг вазифаси муайян ижодий натижани маъмурий тарзда буюртма қилиш эмас, балки истеъдодли ижодкорлар учун муносиб муҳит яратиш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва миллий маданият манфаатларига хизмат қиладиган ташаббусларга кўмаклашишдан иборат бўлиши керак.

Президентимизнинг *“Томошабин кинодан, кинозалларга боришдан воз кечгани йўқ, фақат унинг диди ва талаби ўзгарди”*, – деган фикри кино соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Дарҳақиқат, бугунги томошабиннинг ахборот олиш ва ҳордиқ чиқариш имкониятлари анча кенгайган. У жаҳон кинематографиясининг энг яхши намуналарини кўриш, турли жанрлар ва услублар билан танишиш имкониятига эга. Демак, миллий кино ҳам бадиий сифат, сценарий мукаммаллиги, актёрлар маҳорати, режиссёрлик ечими ва техник ижро жиҳатидан замон талабларига жавоб бериши керак.

Бу борада фильмларни ишлаб чиқаришдан тортиб, уларни намойиш этиш, тарқатиш ва кенг аудиторияга етказишгача бўлган жараённи яхлит тизим сифатида йўлга қўйиш муҳим. Дистрибуция тизимининг ривожланиши миллий фильмларни нафақат пойтахтда, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида намойиш этиш, уларни хорижий мамлакатларда тарқатиш ва халқаро платформаларга олиб чиқиш имкониятларини кенгайтиради.

Бугунги глобаллашув шароитида кинонинг жамият ҳаётидаги ўрни янада ортиб бормоқда. У инсонларнинг дунёқараши, қадриятлари, ҳаётга муносабати ва келажак ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда катта таъсир кучига эга.

Президентимизнинг фарзандларимиз онги ва дунёқарашини ким ва қандай ҳимоя қилиши ҳақидаги саволни ўртага қўйгани бежиз эмас. Миллий маънавиятни асраш, ёш авлодни ватанпарварлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда кино санъати муҳим ўрин тутади.

Бу вазифа хорижий маданият намуналарини инкор этиш ёки ёшларни ташқи дунёдан ажратишни англатмайди. Аксинча, ёшларимиз жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзлаштирган ҳолда, ўз миллий қадриятлари ва тарихий илдизларини чуқур англаб вояга етиши учун зарур маънавий муҳитни яратишни назарда тутади.

Шу маънода, Президентимиз илгари сурган *“Ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш”* ғояси миллий кинонинг стратегик йўналишини белгилаб беради.

Бугун экранларда фақат тарихий шахслар ва ўтмиш воқеаларини эмас, балки замондошларимизнинг ҳам ҳаққоний қиёфасини акс эттиришимиз зарур. Ўқитувчининг фидойилиги, шифокорнинг жонкуярлиги, ҳарбий хизматчининг жасорати, тадбиркорнинг ташаббускорлиги, қурувчининг бунёдкорлиги, ёшларнинг орзу ва изланишлари – буларнинг барчаси ҳаётий ва таъсирчан фильмлар учун муҳим мавзулардир.

Учрашувда “Ўзбекфильм” ҳудудида ягона индустриал кластер – “Ўзбекфильм кино шаҳарчаси”ни ташкил этиш ташаббуси ҳам илгари сурилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган дубляж ва овозлаштириш марказининг барпо этилиши миллий кинонинг техник имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундай инфратузилма кино ишлаб чиқаришнинг турли босқичларини бир маконда жамлаш, мутахассислар ҳамкорлигини кучайтириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва халқаро стандартларга мос маҳсулотлар яратиш учун муҳим асос бўлади.

Миллий кинони ривожлантиришда профессионал таҳлил ва холис танқиднинг ўрни ҳам беқиёс. Шу нуқтаи назардан, “Киношунослар клуби”ни ташкил этиш, унинг Халқаро кинотанқидчилар федерацияси – FIPRESCIга аъзо бўлишига кўмаклашиш ташаббуси муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, кино яратишда сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси замон талабларига мосдир. Бугунги кунда янги технологиялар сценарий устида ишлаш, визуал эффектлар яратиш, овозни қайта ишлаш, таржима ва дубляж жараёнларини такомиллаштириш каби йўналишларда янги имкониятларни очмоқда.

Бироқ технологиянинг ўзи санъат асарини яратмайди. У ижодкорнинг билими, дунёқараши, истеъдоди ва тажрибасини тўлдирувчи восита бўлиб хизмат қилиши керак. Шунинг учун сунъий интеллектдан фойдаланиш билан бирга мутахассисларни тайёрлаш, касбий таълимни ривожлантириш, хорижий тажрибани ўрганиш ва муаллифлик ҳуқуқларига риоя этиш масалаларига ҳам эътибор қаратиш зарур бўлади.

Кино мамлакатнинг халқаро майдондаги маданий қиёфасини намоён этадиган энг таъсирчан воситалардан биридир. Ўз тарихи, маданияти ва миллий қаҳрамонларини жаҳон экранларида муносиб акс эттирган мамлакатнинг халқаро нуфузи ҳам ортади. Шу маънода, миллий кинематографияни ривожлантириш маданий сиёсат билан бирга, мамлакатимизнинг ижобий халқаро имижини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омилдир.

Тошкентда Марказий Осиё ва Кавказ киноижодкорларини тақдирлаш маросимининг ўтказилиши, Гулчеҳра Жамилованинг “Меридиан” мукофотига сазовор бўлиши миллий кино санъатимизга бўлган эътиборнинг муҳим кўринишларидир. Бундай ташаббуслар халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, миллий ижодкорларнинг тажриба алмашиши ва ўзбек фильмларининг хорижий аудиторияга етиб бориши учун янги имкониятлар яратади.

Президентимизнинг “Ўзбекфильм” киностудиясидаги учрашуви миллий кино санъатини ривожлантиришга янгича ёндашувни ифода этади. Унда соҳанинг мавжуд муаммолари очиқ эътироф этилди, ташкилий ва молиявий механизмларни янгилаш, хусусий сектор имкониятларини кенгайтириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва миллий фильмларнинг халқаро нуфузини оширишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Энг асосийси, миллий кинонинг келажаги фақат замонавий студиялар, катта маблағлар ёки янги технологияларга боғлиқ эмас. Унинг муваффақияти, аввало, ижодкорнинг истеъдоди, ҳалол меҳнати, эркин фикри ва ўз халқига бўлган муҳаббати билан белгиланади. Ана шу омиллар муносиб ташкилий ва иқтисодий шароит билан уйғунлашгандагина томошабин қалбидан жой оладиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган ва жаҳон экранларида муносиб ўрин эгаллайдиган фильмлар яратилади.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ



Тоҳир ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Эндиликда, 28 та туманда синовдан ўтказилган янги тизим келаси йилдан яна 100 та туманда жорий этилади. Ўтган вақт давомида мазкур тизим доирасида 7 миллион аҳоли оилавий шифокорларга номма-ном бириктирилган. Лабораториялар ишга туширилган, шифокор ва ҳамширалар ўқитилган, беморларнинг тиббий ёрдам олиш тартиби белгиланган. Кафолатланган тиббий хизматлар тўплами доирасида амбулатор беморларга 69 турдаги дори воситаси бепул берилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда онкологик касалликларни эрта аниқлаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари томонидан ошқозон, йўғон ичак, простата бези ва ўпка саратонини эрта аниқлашга 700 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқади. Дастурнинг Самарқанд вилоятида бошланиб, 2028 йилдан барча ҳудудларда жорий этилиши аҳоли учун ўз вақтида тиббий текширувлардан ўтиш, касалликларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини кенгайтиради.

Онколог сифатида яхши биламанки, саратон касалликларида эрта ташхис қўйиш беморнинг ҳаёти ва даволаш натижаларига бевосита таъсир кўрсатади. Касаллик ўз вақтида аниқланса, самарали даволаш имкониятлари ҳам кенгаяди. Шу боис скрининг текширувларини оммалаштириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва профилактик кўрикларга бўлган эътиборни кучайтириш бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, қандли диабет, сил, юрак-қон томир касалликлари, аёлларда учрайдиган ўсмалар ҳамда болалардаги онкогематологик касалликларни эрта аниқлаш дастурларининг давом эттирилиши ҳам эътиборга молик. Бу мақсадлар учун 280 миллиард сўм маблағ ажратилиб, барча туман ва шаҳарларни қамраб олиш режалаштирилгани тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бундай ёндашув нафақат касалликларни барвақт аниқлаш, балки уларнинг оғир асоратлари ва инсон ҳаётига хавф туғдирувчи оқибатларининг олдини олиш учун ҳам муҳимдир.



Яна бир муҳим масала. Учрашувда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, назарий билимларни клиник амалиёт билан уйғунлаштириш, талабаларни беморлар билан ишлашга эрта жалб этиш, шифокор ва ҳамшираларни моддий ҳамда касбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2027 йилдан тор мутахассислик бўйича резидентура таълимининг бепул ташкил этилиши, талабалар учун стипендиялар белгиланиши, тиббиёт ходимларига қўшимча устамалар жорий қилиниши ва муносиб меҳнатни рағбатлантириш механизмларининг кенгайтирилиши соҳа мутахассисларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун янги имкониятлар яратади.

Учрашувда тиббиёт фанини ривожлантириш, университет клиникалари фаолиятини кучайтириш ва илмий тадқиқотларни амалиёт билан боғлаш бўйича белгиланган вазифалар ҳам эътиборга молик. Чунки замонавий тиббиёт доимий изланиш, аниқ ташхис, самарали даволаш ва янги илмий ютуқларни ҳаётга татбиқ этишни талаб қилади.

Белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг умр кўриш давомийлиги ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Зеро, соғлом инсон – фаровон оила, соғлом жамият ва барқарор тараққиётнинг асосидир.

Фракция йиғилиши

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси давлат органлари ва мансабдор шахслар билан муносабатларда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, маъмурий суд ишларини юритиш тартибини такомиллаштириш, одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган.

Кодекс лойиҳасида даъво турларини аниқ белгилаш, жамоавий даъво институтини жорий этиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжатларга бўлган ишончини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, ишларни кўриб чиқиш муддатларини аниқ белгилаш, процессуал қоидаларни такомиллаштириш ҳамда давлат органлари томонидан суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш механизмларини кучайтириш кўзда тутилган.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ғояларига мос келади.

Йиғилишда сўзга чиққан **фракция аъзоси Гулнорахон Абдувоҳидова**нинг фикрича, *маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий давлатда ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.*

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар бериб, уни такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

t.me/Gazeta_Adolat
https:// adolat24.uz/
2026-YIL
30-OKTABR
№ 43 (1611)









ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ — ҳаётимизда акс этиши керак

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган йиғилишида белгиланган вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, ўзбек алифбосини такомиллаштиришга оид қонуннинг мазмун-моҳияти ва партия тизимида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларга эътибор қаратилди.

Йиғилишда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпибоева маъруза қилиб, ҳудудлар тараққиётига қаратилган ташаббусларни, аввало, уларнинг инсон ҳаётига таъсири нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини таъкидлади. Аҳоли даромадини ошириш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, таълим ва тиббий хизматлар сифатини яхшилаш иқтисодий ислоҳотларнинг асосий натижаси бўлиши кераклиги қайд этилди.

– *Ҳудудни ривожлантиришга қаратилган ҳар бир қарорнинг аҳамияти ҳам ана шу оддий, ҳаётий эҳтиёжларга қанчалик жавоб бериши билан ўлчанади,* – деди Озода Парпибоева. – *Иқтисодий ўсиш аҳоли даромади, муносиб меҳнат шароитлари ва ижтимоий хизматлар сифатида ўз ифодасини топиши керак.*

Муҳокамада Қашқадарёда 20 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш ва 50 минг иш ўрни яратишни қамраб олувчи уч йиллик дастурни тайёрлаш вазифасининг аҳамиятига эътибор қаратилди. Йирик корхоналар билан маҳаллий тадбиркорлар ҳамкорлигини кенгайтириш, ёшларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўланишини таъминлаш орқали саноат ривожининг оилалар фаровонлигига таъсирини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, хотин-қизлар бандлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Касбий тайёргарлик билан бирга, боғча ва қулай транспорт имкониятларини кенгайтириш аёлларнинг оилавий масъулияти ҳамда меҳнат фаолиятини уйғунлаштиришга хизмат қилиши қайд этилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда эса кредит олиш билан боғлиқ ортиқча ҳужжатбозликларни бартараф этиш, молиялаштириш шартларининг очиқ, тушунарли ва барча учун тенг бўлиши муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Маърузада “Чим” маҳалласи мисолида иш ўринлари ва ижтимоий инфратузилмани биргаликда ривожлантириш тажрибасига эътибор қаратилди. Ёшларнинг сифатли таълим олиши, хорижий тиллар ва замонавий технологияларни ўзлаштириши учун кенг имкониятлар яратиш, Янги Қарши шаҳрини барпо этишда эса уй-жойлар билан бир вақтда мактаблар, тиббиёт муассасалари, жамоат транспорти ва яшил ҳудудларни режалаштириш зарурлиги қайд этилди.



Ушбу вазифалар партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси зиммасига ҳам масъулият юклаши таъкидланди. Лойиҳаларнинг аҳоли ҳаётига таъсирини маҳаллаларда ўрганиш, фуқаролар мурожаатларини эшитиш, аниқланган муаммолар юзасидан масъуллар олдига асосланган масалалар қўйиш ва уларнинг ечимини талаб қилиш партия вакиллари фаолиятида муҳим ўрин тутиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни Президентимиз томонидан имзоланган, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштиришга оид қонун мазмуни ҳам муҳокама қилинди. Қонун билан аввалги 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси ўрнига 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан иборат алифбо белгиланаётгани, бу ўзгаришлар давлат тилини қўллаш ва рақамлаштириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Партия тизимида такомиллаштирилган алифбога босқичма-босқич ўтиш чоралари хусусида ҳам сўз юритилди. Партия ташкилотлари ва фаоллари қонун мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, давлат тилига ҳурмат ва ёзув маданиятини юксалтириш ҳамда янгиланган алифбони ўзлаштиришда пешқадам бўлиши лозимлиги таъкидланди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва Қашқадарё салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди.

УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ИФОДАСИ

Руиддин РАУПОВ,
Қашқадарё вилояти кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

Айниқса, сўнгги йилларда Қарши шаҳри ва бошқа ҳудудларда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, замонавий лойиҳалар ва янги ташаббуслар юртимиз тараққиётининг яққол ифодасидир.

Шу ўринда Қарши шаҳридаги ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Анҳор канали бўйида, “Рогузар” маҳалласи ҳудудида Ислом Каримов ва Жайҳун кўчаларини боғловчи 700 метрлик масофада ташкил этилган замонавий гастрономик кўча шаҳар қиёфасига янгича мазмун бағишлади.

Бу ерда қуёш энергиясида ишлайдиган 81 та кўча чироғи ўрнатилгани, 25 та янги савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилгани лойиҳанинг нафақат ободонлаштириш, балки тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини ҳам кўрсатади.

Эътиборлиси, бундай лойиҳалар шаҳримизнинг замонавий қиёфасини шакллантириш билан бирга, аҳоли ва меҳмонлар учун қулай дам олиш муҳитини яратмоқда. Қуёш энергиясидан фойдаланиш эса экологик барқарорлик ва энергия тежамкорлигига қаратилган муҳим қадамдир.

Бу каби ташаббуслар иқтисодий ривожланишни атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабат билан уйғунлаштириш мумкинлигини амалда намоён этади. Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи доирасида танишилган ресурс тежамкор тўқимачилик корхонаси ҳам саноат тараққиёти намунасидир.

54 миллион долларлик лойиҳа асосида ташкил этилган мато ишлаб чиқариш ва бўяш фабрикаси йилига 20 минг тонна мато ишлаб чиқариш ва бўяш қувватига эга. Корхонада 840 та иш ўрни яратилгани, фабрика томи ва деворларига қуёш панеллари ўрнатилгани ишлаб чиқариш самарадорлиги билан бирга, яшил технологияларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Келгусида мазкур эркин иқтисодий зонада 70 миллион долларлик лойиҳанинг амалга оширилиши ва 3 минг 570 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилгани эса ҳудуднинг инвестициявий салоҳияти янада юксалишини англатади.

Қарши шаҳрида “Насаф” бренди асосида қишлоқ хўжалиги техникаларининг йиғилаётгани ҳам маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, миллий брендларни ривожлантириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Бундай ташаббуслар ички бозорни зарур техника ва маҳсулотлар билан таъминлаш, янги ишлаб чиқариш йўналишларини ривожлантириш учун замин яратади.

Вилоятимизнинг туризм салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ишлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Шаҳрисабз туманидаги Мираки қишлоғи ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар замонавий хизматлар кўрсатишни кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли учун янги даромад манбаларини яратишга хизмат қилмоқда. Қамаши туманидаги “Чим” ва Шаҳрисабз туманидаги “Мевазор” маҳаллаларидаги ўзгаришлар эса жойларда бандликни таъминлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган лойиҳалар инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг кундалик ҳаётини енгиллаштириш ва қишлоқларда яшаш шароитларини яхшилашда муҳим ўрин тутади. Қарши шаҳрида барпо этилган янги сайлгоҳ, жамоат транспорти тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишлар ҳамда Сув спорти саройи шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш, аҳолига қулайлик яратиш ва соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга йўл очмоқда.

Ишончим комилки, Президентимиз раҳбарлигида Қашқадарёда бошланган бунёдкорлик ва янгиланиш жараёнлари изчил давом этиб, вилоятимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Депутат ва сайловчи

Дардларга даъво топаётган ДЕПУТАТ



Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига 2-Ал-Хоразмий сайлов округидан сайланган депутат Анвар Сагировнинг сайловчилар билан учрашувлари, мулоқотлари давом этмоқда. Хусусан, депутат ташаббуси ва аралашуви билан партиянинг “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида жорий йилда аҳолига чуқурлаштирилган, кенг қамровли бепул тиббий кўриклар ўтказилиши таъминланди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби

Шунингдек, бир нафар фуқарода юракка мураккаб жарроҳлик амалиёти бепул ўтказилди ва бемор соғлом ҳаётга қайтарилди.

Урганч шаҳридаги “Гулзор” МФЙ ҳудудида жойлашган 2-сон умумий таълим мактаби олдидаги йўлдан транспортларнинг харакатланишдаги тартибсизликлар натижасида йўловчилар ўртасида бир қатор муаммолар содир бўлаётган эди. Депутатнинг саъй-ҳаракатлари билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мактаб олдидан ўтган автомобиль йўлига видео кузатув камераси ўрнатилди. Шунингдек, мактабнинг олдига автомобиль йўлидан ўқувчиларнинг хавфсиз ўтиши учун қўшимча равишда пиёдалар йўлакчалари ва сигнал тугмачаси ўрнатилди.

Урганч шаҳридаги “Кўҳна-қалъа” МФЙ ҳудудида яшовчи Э.Нурметовда ўтказилган жарроҳлик амалиётидан кейин унинг Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида реабилитация қилиниши таъминланди.

Шунингдек, Урганч шаҳридаги “Гулшан” МФЙ ҳудудида яшовчи 3 нафар фуқаро Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида юрак текширувидан бепул ўтказилди.

Ҳар йили 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш, 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунлари арафасида онкологик клиникаларда даволанаётган болалар учун “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида ўтказиладиган беғараз донорлик



акциясида депутат ўз жамоаси билан фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Бундан ташқари, “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгашининг телеграмм ва фейсбук саҳифаларидаги ахборот хизматларида ва бошқаларда мунтазам равишда чиқишлар қилиниб, депутат фаолияти юзасидан маълумотлар ёритиб келинмоқда.



Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати Анвар Сагиров ўз фаолияти давомида ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни ўрганиш, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, нуронийлар ва эҳтиёжманд қатлам вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббусларни амалга оширишда доимо фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ, халқ депутатлари “Адолат” СДП Хоразм вилояти Кенгаши депутати Анвар Сагиров муносиб равишда "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони ва “Адолат” СДП томонидан таъсис этилган “Адолат” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Халқ ишончини оқлаш, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳоли муаммоларига ечим топиш йўлидаги фидойилик ҳар қандай депутат фаолиятининг ҳақиқий мезонидир.

2026-YIL
30-OKTABR
№ 43 (1611)

Тиббий кўрик

СОҒЛИҚҚА ЭЪТИБОР – ИНСОН ҚАДРИГА ЭЪТИБОР

“Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши, “AKFA Medline” клиникаси ҳамда Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган бепул тиббий кўрик ана шундай мақсадларга қаратилди. Тадбирда Россиядан таклиф этилган юқори малакали мутахассислар – спиналь нейрохирург Владислав Келмаков ва кардиожарроҳ Мақсуд Муродов иштирок этиб, туман аҳолисининг саломатлигини текшириш, зарур тавсиялар бериш ҳамда даволаниш бўйича йўналиш белгилашда кўмаклашди. Кўрик давомида икки юзга яқин фуқаро мутахассислар қабулида бўлди.



Баҳриддин ХОНКЕЛДИЕВ,
“Адолат” СДП Марказий аппарати бўлим бошлиғи

Владислав Келмаков умуртқа поғонаси ва орқа мия жарроҳлиги бўйича 18 йилдан ортиқ тажрибага эга нейрохирург ҳисобланади. Унинг касбий фаолияти умуртқа поғонасидаги дегенератив ўзгаришлар, умуртқа ва орқа мия ўсмалари, шунингдек, мураккаб оғриқ синдромларини даволашга ихтисослашган. Шифокор замонавий кам инвазив ва эндоскопик усуллардан фойдаланади.

У Кемерово давлат тиббиёт университетини тамомлаб, нейрохирургия йўналишида интернатура ва ординатурани ўтаган. Россиянинг етакчи тиббиёт муассасалари, жумладан, Федерал нейрохирургия маркази ҳамда Я.Л.Сивян номидаги Новосибирск травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида фаолият юритган. Халқаро илмий анжуманларда иштирок этувчи мутахассис АОСпине, Россия нейрохирурглар ассоциацияси ва Шимолий Америка умуртқа поғонаси жамияти (NASS) аъзоси ҳисобланади.



ТИББИЙ ХИЗМАТ – АҲОЛИГА ЯҚИН БЎЛИШИ КЕРАК

Партия ва ҳамкор ташкилотлар вакилларининг таъкидлашича, бу каби акциялар фақат пойтахтда эмас, балки вилоят ва туманларда ҳам ўтказиб келинмоқда. Тадбирларни ташкил этишда муайян ҳудуд аҳолисининг эҳтиёжлари, мавжуд муаммолар ва талаб юқори бўлган тиббий йўналишлар инобатга олинади. Шу асосда зарур мутахассислар жалб этилиб, фуқароларга бевосита жойида маслаҳат олиш имконияти яратилади.

– Соғлиқни сақлаш партиямизнинг муҳим йўналишларидан биридир, – **дейди “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Муҳаррам Дадаходжаева.** *– Таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар каби бу борадаги ташаббусларимиз ҳам республика миқёсида амалга оширилмоқда. Бугунги акциямиз партия Тошкент шаҳар кенгаши, “AKFA Medline” клиникаси ва Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Келгусида бундай тадбирларни пойтахтнинг бошқа туманларида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз. Бунда ҳудуднинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, аҳолига зарур бўлган мутахассисларни таклиф этамиз. Энг муҳими, Сайловолди дастуримизда белгиланган мақсадлар қоғозда қолиб кетмасдан, амалий ишлар орқали ўз ифодасини топиши керак.*

торова. *– Юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, Юнусобод туманида кардиожарроҳлик ва спиналь нейрохирургия бўйича тиббий маслаҳатга муҳтож беморларга бепул консультациялар ташкил этилди. Шунингдек, шаҳар бўйича ҳам юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш, беморларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш долзарб аҳамиятга эга. Шу эҳтиёжни ҳам инобатга олиб, икки йўналиш бўйича мутахассислар таклиф этдик.*

Акциянинг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири – болалар саломатлигига қаратилган ташаббусдир. “AKFA Medline” клиникаси Юнусобод туманида яшовчи 15 ёшгача бўлган болалар учун кардиожарроҳлик йўналишида юқори технологик амалиётларни бепул бажариш ташаббусини илгари сурди.

Шунингдек, тиббий маслаҳатлардан кейин имтиёзга эга экани аниқланган фуқароларни даволанишга йўналтириш механизми ҳам назарда тутилган. Клиника суғурта тизими билан шартнома асосида ишлаши сабабли, бундай беморларни электрон тизим орқали тегишли тартибда йўналтириш имконияти мавжуд. Бу эса зарур тиббий ёрдамдан фойдаланишда қўшимча қулайлик яратишга хизмат қилади.

“БУ МЕН УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ БЎЛДИ”

Бепул кўрик фуқароларга ўз саломатлигига оид саволларга жавоб олиш, касалликларни аниқлаш ва муолажа чораларини белгилаш имконини берди. Улардан бири – Нодира Турсунова. Мутахассислар кўригидан сўнг унда бел умуртқалари орасидаги диск чурраси аниқланди.

– Ўз саломатлигига бефарқ бўлмаган фуқаролар учун бундай кўрикларни ташкил этиш жуда муҳим, – дейди у. *– Айрим инсонларнинг мутахассисларга мурожаат қилиш, тиббий текширувдан ўтиш ёки жарроҳлик амалиёти учун имкониятлари чекланган бўлиши мумкин. Бу кўрик мен учун ҳам катта имконият бўлди. Шифокорлар бел умуртқалари орасидаги диск чурраси борлигини аниқлашди. Уларнинг тавсиялари асосида муолажа олиш имконига эга бўлдим. Энг муҳими, соғайгунимга қадар ҳолатим назорат қилиб борилишини айтишди.*



Тадбир якунида фуқароларга аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш, уларнинг асоратларининг олдини олиш ва саломатликни асраш бўйича тавсиялар берилди. Зарур ҳолларда кейинги текширув ва даволаниш учун йўлланмалар тақдим этилди. Ҳар бир мурожаат алоҳида кўриб чиқилиб, беморларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда маслаҳатлар берилди.

Аслида, тиббий кўрикнинг аҳамияти фақат касалликни аниқлаш ёки шифокор маслаҳатини олиш билан чекланмайди. У инсоннинг ўз саломатлигига масъулиятини ошириш, муаммоларни эрта босқичда аниқлаш ва зарур ёрдамни олиш имкониятини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади. “Адолат” СДПнинг мазкур ташаббуси эса партия Сайловолди дастурида белгиланган ижтимоий мақсадларни амалий ишлар билан боғлаш, аҳоли ишончини мустаҳкамлаш ва инсон қадрини улуғлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг бир ифодасидир. Зеро, ижтимоий адолатнинг ҳақиқий қиймати ҳар бир инсоннинг ҳаёти, саломатлиги ва муносиб турмуши учун яратилган имкониятларда намоён бўлади.

Дарҳақиқат, тадбир доирасида айнан кардиожарроҳлик ва умуртқа поғонаси жарроҳлиги бўйича мутахассислар жалб этилгани бежиз эмас. Бу йўналишларда малакали маслаҳатга эҳтиёж сезаётган беморлар учун мутахассис қабулидан ўтиш, касаллик ҳолатини баҳолатиш ва кейинги даволаниш чораларини белгилаш муҳимдир.

– Бугунги акциянинг асосий мақсади – тиббиётни аҳолига янада яқинлаштириш, **– дейди Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Шоира Абдусат-**



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАР ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Чилонзор туманида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди

Чилонзор туманида халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши депутати Алишер Ҳусаинов ташаббуси билан аҳоли бандлигини таъминлаш, Камбағаллик реестри ва Ижтимоий реестрда қайд этилган оилаларни камбағалликдан чиқариш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган амалий йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда, аввало, давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш борасида белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Депутат томонидан Президент фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, Чилонзор туманида Камбағаллик реестри ҳамда Ижтимоий реестрда рўйхатга олинган оилаларни аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларини муносиб иш ўринларига жойлаштириш ва уларнинг барқарор даромад олиш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, камбағалликни қисқартириш фақат ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмаслиги, балки фуқароларни доимий иш билан таъминлаш, уларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали оилаларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашни ҳам назарда тутади. Шу муносабат билан маҳаллаларда ишга муҳтож фуқароларни аниқлаш, уларнинг имконият ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда иш берувчилар билан ҳамкорликда амалий чораларни белгилаш муҳим вазифа экани таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори Бахтиёр Тоиров, марказ бош мутахассиси Вазира Эҳсонова, халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши раиси Бахтиёр Раҳимов, “Бектўпи” ва “Ал-Хоразмий” маҳаллалари фуқаролар йиғинлари раислари ва махалла фаоллари, маҳаллалар етилиги вакиллари, комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар, “Ал-Хоразмий” маҳалласига бириктирилган ички ишлар органи ходими, Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бош илмий ходими, подполковник Русланбек Матчанов, “Абу Сахий” жоме масжиди имом-ноиби ҳамда “Абу Сахий” савдо марказида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этдилар.



Тадбирнинг кейинги қисмида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларга давлат томонидан яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони ҳамда унинг ижросини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларга эътибор қаратилди. Ногиронлиги бўлган шахслар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва барқарор даромад олишини таъминлаш муҳим ижтимоий вазифа экани қайд этилди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган фуқароларни ишга қабул қилувчи тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, қонунчиликда белгиланган имтиёзлар, субсидиялар ва бошқа ёрдам механизмларидан самарали фойдаланиш тартиби юзасидан тушунтиришлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида “Абу Сахий” савдо марказида фаолият юритаётган тадбиркорлар кўмагида жами 82 нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаро иш билан таъминланди. Шундан 74 нафари “Абу Сахий” савдо марказидаги тадбиркорлар томонидан, 8 нафари эса “Ташкент Трейд Центер” корхонаси орқали ишга жойлаштирилди.

Йиғилишда ишга жойлаштирилган фуқароларнинг бандлигини барқарор сақлаб қолиш, улар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш жойларини эҳтиёжларига мослаштириш ҳамда зарур ижтимоий хизматлар билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокамалар давомида давлат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, ишга муҳтож аҳоли қатламини манзилли қўллаб-қувватлаш ва белгиланган вазифалар ижросини тизимли равишда назорат қилиш бўйича фикр ва таклифлар билдирилди.

Йиғилиш якунида камбағалликни қисқартириш, реестрларда қайд этилган оилаларнинг бандлигини таъминлаш ва ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш борасида амалий ҳамкорликни давом эттириш, тадбиркорларни мавжуд давлат кўмак механизмлари ҳақида хабардор қилиш ҳамда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан келишувларга эришилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, оилаларнинг доимий даромад манбаларини шакллантириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омилларидир. Бу борада давлат идоралари, маҳалла вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлиги аҳоли фаровонлигини ошириш ва фуқароларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диққат, янги рукн:
ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ



ПАХТА ДАЛАСИДАН ИЛМ-ФАН ЧЎҚҚИСИГАЧА

БОЛАЛИКНИНГ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ҚОЛГАН ЙИЛЛАРИ

Бугун таълим, илм-фан ва замонавий касблар ҳақида сўз юритар эканмиз, бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: бугунги имкониятлар осмондан тушгани йўқ. Уларнинг қадрини англаш учун кечаги кунни эслаш, ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариш зарур. Тарихни англаган инсон бугунги ислоҳотларнинг моҳиятини ҳам чуқурроқ тушунади.

Мен ҳам тенгдошларим қатори пахта далаларида улғайган, оёғимизга пайтава ўраб, оғир этик кийган, болаликнинг беғубор дамларини тўла ҳис этиш ўрнига катталар билан тирикчилик ташвишини елкасида кўтарган авлод вакилларидан бириман.

Биз учун куз фасли пахта терими, совуқ саҳарлар, лой кечиб юриш, дала шийпонларида ўтган тунлар ва бажарилиши шарт бўлган режа дегани эди.

Ҳозирги ёшларга ўша манзараларни тасаввур қилиш қийин. Чунки улар таълим билан мажбурий меҳнат ўртасида қандай зиддият бўлганини ўз кўзи билан кўрмаган. Айни чоғда мактаб боланинг билим оладиган, қобилиятини кашф этадиган, келажак касбига тайёрланадиган маскан сифатида қаралади. Биз учун эса мактаб билан дала ўртасидаги масофа километрлар билан эмас, бой берилган вақт, ўзлаштирилмай қолган билим ва кечиккан орзулар билан ўлчанарди.

Ҳа, собиқ шўро тузуми даврида Ўзбекистон иқтисодиётида пахта яккаҳокимлиги устувор ўрин эгаллаганди. Пахта режаси давлат аҳамиятига эга вазифа сифатида талқин қилиниб, уни бажариш ташвиши бутун жамият ҳаётига сингиб кетганди. Бригадирдан колхоз раисигача, туман ва вилоят раҳбарларидан марказий идораларгача бўлган бошқарув тизимида пахта режаси муҳим мезонга айланганди.

Бу жараёндан таълим ва тиббиёт муассасалари, саноат корхоналари ҳам четда қолмаган. Ўқитувчилар, талабалар ва мактаб ўқувчилари пахта йиғим-теримига жалб этилган. Таълимнинг асосий вазифаси – болага билим бериш, мустақил фикрлашни ўргатиш ва ҳаётга тайёрлаш – иккинчи ўринга сурилганди.

БИЛИМ ВА МЕҲНАТ ЎРТАСИДА ҚОЛГАН БОЛАЛИК

Ўша даврда айрим қишлоқ мактабларининг моддий-техника базаси ночор эди. Дарсликлар етишмас, бир китоб бир неча йил давомида қўлдан-қўлга ўтарди. Ака ўқиган китоб укасига, опанинг дарслиги синглисига мерос бўлиб қоларди. Муқоваси титилган, саҳифалари сарғайган китоблардан қайта-қайта фойдаланишга тўғри келарди.

Бироқ энг оғир муаммо китоб танқислиги ёки мактаб шароити билан чекланмасди. Пахта мавсумида дарсларнинг узилиши, ўқувчиларнинг таълимдан қолиши, ўқитувчиларнинг касбига алоқаси бўлмаган ишларга жалб қилиниши билим сифатига салбий таъсир кўрсатарди.

Ҳатто декабрь ойининг охирги кунларига қадар пахта даласида қолган инсонларни, совуқда кўсак юлиб, бармоқлари ёрилган болаларни, оғир этикда лой кечган тенгдошларимни эсласам, бир савол хаёлимдан кетмайди: ўшандай шароитда қанча боланинг иқтидори очилмай қолди, қанча истеъдод ўз вақтида кашф этилмади, қанча орзу кечикди?

Албатта, ўша даврда ҳам фидойи устозлар, илмга чанқоқ ўқувчилар ва қийинчиликларга қарамай таълим олган ёшлар кўп эди. Уларнинг матонати ва меҳнатини қадрлашимиз шарт. Аммо инсонларнинг фидойилиги тизимдаги камчиликларни оқлаш учун асос бўла олмайди.

Аслида боланинг жойи далада эмас, мактабда; ўқитувчининг асосий вазифаси пахта режасини бажариш эмас, билим бериш бўлиши керак эди. Бу оддий ҳақиқатнинг ўз вақтида таъминланмагани жамият учун қимматга тушди.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИНСОН ҚАДРИГА ҚАЙТИШ

1991 йилда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришди. Миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни қайта ташкил этиш, таълимни миллий манфаатлар асосида ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Бироқ собиқ тузумдан қолган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни бирданига бартараф этишнинг иложи йўқ эди. Пахта йиғим-теримига болалар ва таълим муассасаларини жалб қилиш билан боғлиқ ҳолатлар кейин ҳам давом этди.



Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Бу ҳолат мустақилликнинг мазмуни фақат давлатнинг сиёсий мақоми билан эмас, инсоннинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар билан ҳам белгиланишини ҳам англатди. Ўқувчининг дарсга тўлиқ қатнашиши, ўқитувчининг ўз касби билан эркин шуғулланиши, ёшларнинг танлаган мутахассислиги бўйича билим олиши ҳам эркинликнинг ҳаётий ифодаси бўлиши керак эди.

Сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва таълим сифатини оширишга қаратилган жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, пахтачиликда болалар меҳнати ва тизимли мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги ўзгаришлар муҳим тарихий воқеа бўлди. Халқаро меҳнат ташкилоти 2021 йилги пахта теримида тизимли болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат тугатилганини қайд этди.

Бу натижа фақат меҳнат муносабатларидаги ўзгариш эмас. У бола ҳуқуқини, инсон эркинлигини ва меҳнатнинг ихтиёрий бўлиши лозимлигини тан олиш йўлидаги муҳим қадам эди.

Иқтисодиётни либераллаштириш, валюта бозорини эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳам мамлакат тараққиёти учун янги шароитлар яратди.

Демак, ислоҳотларнинг ҳақиқий самараси инсон ҳаётида сезилгандагина уларнинг қадри тўлиқ намоён бўлади.

ПАХТА РЕЖАСИДАН САМАРАДОРЛИККА

Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ҳам ўтмиш ва бугун ўртасидаги фарқни яққол кўрсатади. Собиқ шўро даврида пахта яккаҳокимлиги туфайли катта майдонлар пахтага ажратилди. Бу ҳол экинлар таркибига, сув ресурсларидан фойдаланишга ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш имкониятларига салбий таъсир кўрсатди.

Бугун қишлоқ хўжалигида экинларни диверсификация қилиш, сувни тежаш технологиясини жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш ва замонавий техникадан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2026 йилги пахта мавсумига оид келтирилган маълумотларда 22 октябрь ҳолатига 4,63 миллион тонна пахта хомашёси йиғиб олингани, бу шартномавий кўрсаткичнинг 103 фоизини ташкил этгани қайд этилди. Шунингдек, қарийб уч мингта терим машинаси иштирокида йиғиб олинган ҳосилнинг 76 фоизи механизация ҳиссасига тўғри келди.

Бу рақамлар механизациянинг меҳнат унумдорлигини оширишдаги аҳамиятини кўрсатади. Бироқ пахтачиликдаги тараққиётни фақат ҳосил миқдори билан баҳолаш тўғри эмас. Деҳқоннинг даромади, меҳнат шароити, сув ва ердан оқилона фойдаланиш, маҳсулот таннархи ва қўшилган қиймат ҳам муҳимдир.

Энг муҳими, қишлоқ хўжалигидаги натижа инсоннинг мажбурий меҳнати ёки боланинг таълимдан қолиши ҳисобига эмас, технология, билим ва самарали ташкилотчилик ҳисобига таъминланди.

ЯНГИ АВЛОД ВА КЕНГАЯЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Бугунги ўқувчининг имкониятларини кечаги авлод шароити билан қиёсласак, фарқ фақат мактаб бинолари ёки компьютерлар сонида эмаслигини кўрамиз. Энг катта ўзгариш ёшлар олдида очилаётган йўлларнинг кенгайганидадир.

Замонавий мактаб ўқувчиси хорижий тилларни ўрганиши, ахборот технологияларини ўзлаштириши, олимпиадаларда қатнашиши, илмий лойиҳалар устида ишлаши ва дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олишни мақсад қилиши мумкин. Олий таълим муассасалари тармоғининг кенгайиши, хорижий университетлар билан ҳамкорлик ва таълим дастурларини такомиллаштириш ёшлар учун янги йўллар очмоқда.

Бироқ имкониятнинг мавжудлиги унинг барчага бир хил натижа беришини англатмайди. Оилавий шароит, таълим сифати, ҳудудий фарқлар ва билим олиш учун яратилган муҳит ёшларнинг келажагига таъсир кўрсатади. Шунинг учун асосий вазифа фақат янги имкониятлар яратиш эмас, улардан ҳар бир иқтидорли бола фойдалана олиши учун тенг шароитни таъминлашдир.

Айни пайтда хорижда таҳсил олиб, илмий марказлар, халқаро компаниялар, технологик корхоналар ва университетларда фаолият юритаётган ўзбекистонлик ёшлар бор. Уларнинг муваффақияти бир ҳақиқатни тасдиқлайди: инсоннинг келажагини болаликдаги шароити белгилаб қўймаслиги керак. Унга сифатли таълим, муносиб муҳит ва ўз иқтидорини намоён этиш имконияти берилса, у катта натижаларга эришиши, шубҳасиз.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ҚАДРИ – ТАЪЛИМНИНГ ТАЯНЧИ

Ўтмишни эслар эканмиз, оғир шароитларда ҳам билим беришдан тўхтамаган устозларимизнинг меҳнатини алоҳида эътироф этишимиз лозим. Улар мактаб шароити мураккаб бўлган вазиятларда ҳам ёш авлодни тарбиялашга ўз умрларини бағишладилар.

Бугун педагогнинг мақомини ошириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва касбий ривожланиши учун шароит яратиш масалаларига эътибор кучаймоқда. 2024 йилда «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши ўқитувчилар ҳуқуқлари ва касбий фаолиятини ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим ҳуқуқий қадам бўлган эди.

Бироқ педагогнинг қадри фақат маош ёки мукофот билан ўлчанмайди. Унинг дарсга пухта тайёрланиши, ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда ишлаши, янги методларни ўзлаштириши ва илмий изланиш олиб бориши учун вақт ҳамда шароит зарур. Ортиқча қоғозбозлик, такрорий ҳисоботлар ва касбга алоқаси бўлмаган топшириқлар ўқитувчининг энг қимматли бойлиги – вақтини олиб қўймаслиги керак.

Таълим сифатига эришиш учун педагогни назорат объекти сифатида кўришдан кўра, унга ишонадиган, ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган ва касбий ўсишига ёрдам берадиган муҳитни шакллантириш муҳимроқ.

КОИНОТГА ИНТИЛИШ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Замон тақозоси билан сунъий интеллект, робототехника, рақамли иқтисодиёт ва космик технологиялар мамлакат тараққиётининг муҳим йўналишларига айланмоқда. Ўзбекистонда сунъий йўлдош маълумотларидан қишлоқ хўжалиги ва экологик мониторингда фойдаланиш, рақамли инфратузилмани кенгайтириш ҳамда космик технологияларни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Бундай мақсадларга эришиш учун замонавий ускуна ва маблағнинг ўзи кифоя қилмайди. Физика, математика, дастурлаш, муҳандислик ва бошқа соҳаларни чуқур эгаллаган мутахассислар жуда зарур. Коинотга интилиш мактабдаги математика дарсидан, лабораториядаги тажрибадан, китоб мутолаасидан ва ўқувчининг савол беришга бўлган қизиқишидан бошланади. Бугунги ўқувчининг изланиши эртанги кашфиётнинг пойдевори бўлади. Шу боис таълимга сарфланган маблағни оддий харажат сифатида эмас, мамлакатнинг келажагига киритилган сармоя даражасида баҳолаш керак.

ЧИНДОВУЛ ТАЖРИБАСИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ МАКТАБЛАРНИ АСРАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Мен туғилиб ўсган Косонсой туманидаги Чиндовул қишлоғи, у ердаги мактаб ва ҳаётимда из қолдирган устозларни эсласам, таълимнинг инсон тақдирига таъсири ҳақида янада чуқурроқ ўйлайман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида раҳматли устоз Ваққосхон Мамадалиев асос солган лицейда таҳсил олган ёшларнинг аксарияти бугун турли соҳаларда фаолият юритмоқда. Чунончи, Бахтиёр Ёқубов Президент администрациясида, Ҳалимжон Бўтаев Мудофаа вазирлигида, Фарҳоджон Хожаев ФВВ академиясида, Рустамжон Ниёзов мудофаа вазирлигининг ҳарбий ҳаво кучларида ва тумуш ўртоғи Маҳбубахон Аминжонова Тошкент давлат иқтисодиёт ва педагогика университетида, Исмоилхон Абдукаримов Рақобат қўмитасида, Бахтиёр Муҳаммаджонов таълим вазирлигида, Бахтиёр Ҳомидов солиқ қўмитасида, Шавкат Жабборов сув хўжалиги вазирлигида, Алишер Убайдуллаев ички ишлар тизимида фаолият юритмоқда.

Бу – бир устознинг эзгу нияти, таълимга ишончи ва фидойилиги қанчадан-қанча инсонлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишининг ёрқин намунасидир.

Айни пайтда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони соҳиби, таниқли педагог Маъмурахон Султонова раҳбарлик қилаётган, собиқ лицей, ҳозирги 52-умумий ўрта таълим мактаби фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Сўнгги беш йилда ушбу мактабни битирган 300 нафардан зиёд йигит-қизнинг деярли барчаси олий таълим муассасаларида таҳсил олаётгани ёки мутахассис бўлиб етишгани ҳақидаги маълумотлар таълимга берилган эътибор ва устозлар меҳнатининг самарасини намоён этади.

Бу мисолларни келтиришдан мақсад фақат фахрланиш эмас. Асосий масала – шундай мактабларнинг муваффақиятга эришиш сабабларини ўрганиш ва тажрибасини бошқа ҳудудларга ёйишдир.

Афсуски, бир вақтлар иқтидорли ёшларни тарбиялашда ном қозонган мактаблар ва ихтисослашган таълим масканларининг имкониятлари етарлича ривожлантирилмаган ёки уларнинг илгариги салоҳияти сақлаб қолинмаган бўлиши мумкин. Бундай даргоҳларнинг тарихини ўрганиш, муаммоларини аниқлаш ва ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Менимча, бу борада қуйидаги таклифларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Биринчидан, *муваффақиятли мактаблар тажрибасини тизимли ўрганиш лозим. Чиндовулдаги таълим анъаналари, Ваққосхон Мамадалиев асос солган лицей тажрибаси, бугун самарали фаолият юритаётган мактабларнинг ютуқлари таҳлил қилиниб, улардаги самарали ўқитиш усуллари, устоз-шогирд анъаналари ва бошқарув тажрибаси оммалаштирилиши керак.*

Иккинчидан, *илгари юқори натижаларга эришган мактабларни тиклаш ва такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш муҳим. Бунда мактабнинг фақат биноси ва моддий базаси эмас, балки ўқитувчилар жамоаси, таълим сифати, фан тўгараклари, иқтидорли болалар билан ишлаш тизими ҳам баҳоланиши лозим. Ҳар бир мактаб учун мавжуд ҳолатдан келиб чиқадиган аниқ ривожланиш режаси белгиланиши мақсадга мувофиқ.*

Учинчидан, *мактаблар ўртасида устозлик ва ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш, натижаси юқори таълим муассасалари имконияти чекланган ёки кўрсаткичларини яхшилашга муҳтож мактабларга методик ёрдам бериши, қўшма дарслар, фан тўгараклари, олимпиадага тайёргарлик ва ўқитувчилар малакасини ошириш дастурларини ташкил этиши мумкин.*

Тўртинчидан, *ҳар бир мактабда иқтидорли болаларни эрта аниқлаш ва улар билан индивидуал ишлаш тизимини кучайтириш зарур. Фақат юқори баҳо оладиган ўқувчилар эмас, техникага, санъатга, спортга, тилларга, тадқиқотчиликка ёки амалий касбларга қизиқадиган болалар ҳам ўз қобилиятини ривожлантириш имкониятига эга бўлиши керак.*

Бешинчидан, *мактаб – оила–маҳалла – олий таълим муассасаси ҳамкорлигини амалий мазмун билан бойитиш лозим. Олийгоҳ профессор-ўқитувчилари, муваффақиятли битирувчилар ва турли соҳаларда фаолият юритаётган мутахассислар билан учрашувлар, касбга йўналтириш машғулотлари ва амалий лойиҳалар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради.*

Олтинчидан, *мактаб натижаларини фақат тест баллари ва олийгоҳга кирганлар сони билан баҳоламаслик керак. Ўқувчининг мустақил фикрлаши, саводхонлиги, муаммога ечим топиши, китоб ўқиш одати, ижодий фаоллиги ва жамоада ишлаш қобилияти ҳам муҳим мезон бўлиши лозим.*

Бу таклифларни амалга ошириш учун таълим муассасаларининг эҳтиёжларини ўрганиш, ҳудудлар кесимида очиқ маълумотлар базасини шакллантириш, натижаларни мунтазам таҳлил қилиш ва ажратилган маблағлар самарасини баҳолаб бориш зарур. Бунда ўқитувчилар, ота-оналар, битирувчилар ва маҳаллий жамоатчилик фикрига ҳам таяниш керак.

Энг муҳими, яхши натижа кўрсатаётган мактабни фақат мукофотлаш билан чекланмасдан, унинг ютуқларини барқарор давом эттиришга шароит яратиш лозим. Чиндовул қишлоғидаги каби таълим анъаналарига эга мактаблар маҳаллий ифтихор манбаи бўлибгина қолмай, бошқа таълим муассасалари учун ҳам амалий тажриба мактабига айланиши мумкин.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ МАҚСАДИ – ИНСОН КАМОЛОТИ

Мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган йўлни ягона тизим сифатида кўриш учун муҳим қадам қўйилди. Эндиликда мактабда олинган билим касбий таълимда мустаҳкамланиши, олийгоҳда янги салоҳиятга айланиши, илм-фанда эса кашфиётлар ва амалий ечимларга асос бўлиши керак.

Мактаб ўқувчини фақат имтиҳондан ўтишга эмас, мустақил фикрлашга тайёрлаши лозим. Олий таълим муассасаси диплом бериш билан чекланмай, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисни тарбиялаши зарур. Илм-фан эса яратилган билимни ишлаб чиқариш, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва жамиятнинг бошқа соҳаларида қўллашга хизмат қилиши керак.

Шу билан бирга, таълимдаги бошқарув тизими ўқитувчи ва олимларнинг ташаббусини чекламаслиги шарт. Умумий мақсад ва сифат мезонлари аниқ бўлгани ҳолда, ҳар бир таълим муассасаси ўз шароити ва имкониятларидан келиб чиқиб, самарали усулларни жорий этиши учун эркинликка эга бўлиши лозим.

Ислоҳотлар натижасини қоғоздаги ҳисоботлар эмас, инсон ҳаётидаги ўзгаришлар белгилаши керак. "Ўқувчи қанчалик билимли бўлди? Битирувчи ўз касбини қай даражада эгаллади? Ёш мутахассис муносиб иш топа олдими? Олимнинг тадқиқоти амалиётга жорий этилдими? Ўқитувчи ўз маҳоратини намоён этиш учун етарли имкониятга эгами?"

Ана шу саволларга берилган жавоблар таълим ислоҳотларининг ҳақиқий самарасини кўрсатади.

КЕЛАЖАК АВЛОД ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Биз, катта авлод, тақдир тақозоси билан пахта далаларида меҳнат қилиб улғайдик. Бугунги авлод эса бир вақтлар бизнинг тасаввуримизга ҳам сиғмаган имкониятлар даврида камол топмоқда. Эртанги авлод бизнинг хаёлимизга келмаган кашфиётларни яратиши, илм-фан ва технологиялар тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши аниқ.

Бироқ имкониятлар ўз-ўзидан юксак натижаларга айланмайди. Бунинг учун таълим, илм-фан, устоз меҳнати ва инсон қадрига муносиб эътибор қаратиш, ёшлар тарбиясини умуммиллий масъулият даражасига кўтариш зарур.

Гап фақат фарзандларимизнинг диплом олиши ёки яхши касб эгаси бўлиши ҳақида эмас. Уларнинг қандай инсон бўлиб вояга етиши ҳам муҳим. Билим билан бирга виждон, ҳалоллик, масъулият, мустақил фикрлаш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш жасорати ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантиришимиз керак.

Бу тарбия оиладан бошланади. Агар фарзандларимиздан китоб ўқишни талаб қилиб, ўзимиз мутолаага вақт ажратмасак, ҳалоллик ҳақида гапириб, амалда ноҳақликка йўл қўйсак, сўзларимиз тарбиявий кучини йўқотади. Бола айтган гапларимиздан кўра, қилган ишларимиздан кўпроқ сабоқ олади.

Шунинг учун ота-она, мактаб, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари ёшлар тарбиясида ҳамкорлик қилиши зарур. Халқ ишончи ва масъулиятини зиммасига олган раҳбарлар ҳам ҳалоллиги, адолатли қарорлари ва шахсий намунаси билан ёшларга ибрат кўрсатиши зарур.

Ҳамон ўтмишни эслар эканман, бугунги болаларнинг вақти мактабда, кутубхонада, лабораторияда ва илмий изланишлар бағрида ўтишини истайман. Чунки кечаги авлоднинг бой берилган имкониятлари бугунги болалар тақдирида такрорланмаслиги керак.

Мамлакатнинг ҳақиқий бойлиги фақат ер ости ва ер усти ресурслари, янги бинолар ёки ишлаб чиқариш корхоналари билан белгиланмайди. Унинг энг катта бойлиги – билимли, мустақил фикрлайдиган, виждонли ва яратувчан авлод ҳисобланади.

Пахта даласидан илм-фан манзилигача бўлган йўл – иқтисодий ва технологик ўзгаришлар тарихигина эмас, бу инсоннинг меҳнати, вақти, ҳуқуқи ва қадр-қимматини англаш йўлидир.

Бир сўз билан айтганда, кечаги тизим инсонни режага мослаштиришга уринган бўлса, бугунги тараққиёт имкониятлар эшикларини очишга хизмат қилмоқда. Агар кеча боланинг вақти пахта режасига бўйсундирилган бўлса, бугун унинг вақти билим, ижод ва камолот учун сарфланмоқда.

Демак, комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, бугун мактаб партасида ўтирган кўзлари чақноқ ўғил-қизларимиз эртага юртимизни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига қўшиш қудратига эга бўлган иқтидорли мутахассисларга айланишади. Бугун биз пойдеворини қўяётган Учинчи Ренессанснинг муҳташам биносини тиклаб, дунё илм-фан бешигини тебратган боболаримиз каби ўз кашфиётлари билан жаҳон аҳлини ҳайратларга солиб, асл илм-фан бешиги Шарқ эканлигини яна бир марта исботлаб беришади.

Зеро, бугун юртимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳияти замирида ҳам айнан мана шу мақсад мужассам.

Хулоса шуки, кечаги кунни унутмасак, бугунги имкониятларнинг қадрига етамиз. Бугунги имкониятларни асрасак ва таълимга изчил сармоя киритсак, эртанги авлодга бизнинг кўра фаровон ҳаёт, кенгроқ имконият ва адолатли жамият қолдирган бўламиз.

t.me/Gazeta_Adolat
https:// adolat24.uz/
2026-YIL
30-OKTABR
№ 43 (1611)



ТИНЧЛИК, ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ – ОЛИЙ НЕЪМАТ,

унинг посбонлари эса Ватанимизнинг асл фарзандларидир

Эҳтиром

Шу кунларда мамлакатимизда жонажон Ватанимиз истиқлолининг, мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигининг энг муҳим устунларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ташкил этилганлигининг 35 йиллик қутлуғ тўйи нишонланмоқда.



Шариф ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси магистратура “Бошқарув фанлари” кафедраси профессори, истеъфодаги полковник

1991 йил 25 октябрь куни Ўзбекистон тарихида янги, шонли бир саҳифа очилди. Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида”ги қарори билан собиқ иттифоқ тизимига бўйсунган Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги мустақил давлатимизнинг Ички ишлар вазирлигига айлантирилиши муносабати билан мустақил Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тарихи бошланди.

35 йиллик тарих Ички ишлар органларига катта тажриба ва масъулият берди. Ҳуқуқ-тартибот посбонлари юртимиз тинчлигини, фуқароларимизнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишда бор куч ва билимини сафарбар этмоқда.

Ушбу 35 йиллик тарихий давр – нафақат бир соҳанинг шаклланиш йиллари, балки ҳар бир ўзбекистонликнинг ўз хонадонида хотиржам ухлаши, фарзандларимизнинг кўчаларда хавфсиз ўйнаб-кулиши, ота-оналаримизнинг тинч-омон умргузаронлик қилишлари йўлида фидо этилган минглаб умрлар, уйқусиз тунлар ва мардлик қиссасидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: *“Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳасидир”.*

Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг олий тамойил – “Инсон қадри учун” деган улуғвор ғоянинг ижрочилари, халқ ва давлат ўртасидаги ишонч кўприги сифатида фаолият олиб бормоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, форма кийган, елкасига погон таққан ички ишлар ходими ким ўзи? У шунчаки қонун бузилишини қайд этувчи шахсми? Йўқ! Ходим – давлатнинг юзи, қонуннинг тили ва адолатнинг ҳимоячисидир. Мамлакатимиз ички ишлар органларида ўтказилган ислоҳотлар натижаси шундаки, бугун фуқаро кўчада форма кийган ходимни кўрганда бундан 10 йил олдинги хавотир ёки қўрқувни эмас, балки хавфсизликни, ҳимояни ва тинчликни ҳис қилиб яшамоқда.

Биз кўпинча тинчликни оддий бир ҳолатдек қабул қиламиз. Аммо дунёда содир бўлаётган таҳликали воқеаларга назар ташласак, осойишталик ўз-ўзидан келиб қолмаслигини теран англаймиз.

Тун ярмидан оққанда, бутун шаҳар ва қишлоқлар ширин уйқуда бўлганда кўчаларда милтиллаган чироқлари билан патруль назоратида юрган посбонларни кўрасиз.

Жазирама иссиқда ёки қаҳратон совуқда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаётган тартиб посбонларини кўрасиз.

Бугунги жиноятчилик виртуал оламга кўчган бир даврда, фуқароларимизнинг ҳаёти ва мол-мулкини кибермаконда ишончли ҳимоя қилаётган шижоатли ёш ходимларимизни кўрасиз.

Сўнгги 10 йил давомида тизим тубдан ўзгарди. Бугун Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар ходими – фақат жазоловчи эмас, балки биринчи навбатда халқнинг кўмакчиси, маҳалланинг суянчи ва фуқаронинг асл ҳимоячисига айланди. Жорий этилган “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари” ва “хавфсиз муҳит” яратишга қаратилган тизимлар бугун ички ишлар идораларини халққа янада яқинлаштирди.

Энг муҳими, халқимиз хоҳиш-иродасини ифода этаётган Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган трансформация ва янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлиги кундан кунга ошиб бораётгани, бу эса халқимизнинг ўз ҳимоячи давлатидан рози бўлиб, ички ишлар органларининг ҳар бир ходими тимсолида ўз ҳимоячисини кўришга эришаётгани фаолиятимизнинг асосий натижасидир.

Мана шу туйғуни шакллантириш ички ишлар органлари ҳар бир ходимининг касбий маданиятига бевосита боғлиқ. Касбий маданият – бу фақатгина хизмат кийимини тоза тутиш ёки қонун моддаларини ёддан билиш эмас. Бу – фуқаро билан мулоқотда вазминлик, юксак одобахлоқ, ҳалоллик ва самимиятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги тарихий қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Ушбу кодекс ички ишлар органларини “халқчил профессионал тузилмага” айлантириш йўлидаги энг муҳим дастуриламалдир. Бу ҳужжат ички ишлар органлари ходимларига оддий, аммо жуда масъулиятли мажбуриятни юклайди: “Халқ розилиги – фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир!”

Бугун ички ишлар органларининг бош мезони битта: “Халқ давлат идораларидан эмас, давлат идоралари халқимиздан рози бўлиши керак”. Ҳар бир ходим ўз хизматини мана шу олий мақсадга йўналтирган.

Жамоатчиликдаги ижтимоий нуфуз – бу сотиб олинадиган ёки буйруқ билан жорий этиладиган туйғу эмас. У йиллар давомида, мисқоллаб йиғилади. Лекин уни йўқотиш учун бир сония, битта қўпол сўз, битта ноўрин хатти-ҳаракат ёки ижтимоий тармоқларда тарқаладиган битта салбий видео кифоя қилади. Сафдошларимиздан бирининг маданиятсизлиги, таъмагирлиги ёки фуқарога қилган қўполлиги бутун тизимнинг, минглаб кеча-ю кундуз кўз юммай хизмат қилаётган ҳалол ходимларнинг меҳнатига соя ташлайди.

Шунинг учун “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси”да аниқ белгилаб қўйилган:

- *фуқаролар билан мулоқотда доимо хушмуомалалик ва холислик кўрсатиш;*
- *ҳар қандай шароитда суиистеъмолчиликка, ножўя ҳаракатларга, коррупциявий омилларга қарши қатъий туриш, совға-саломлардан мутлақо воз кечиш;*
- *хизмат фаолияти ва хизматдан ташқари вақтда ҳам ички ишлар ходими деган муносиб номга доғ туширмайдиган ҳаёт тарзини олиб бориш.*

Бугун замон ўзгарди, жамоатчилик назорати, ҳисобдорлик кучайди. Ҳар бир фуқаронинг қўлида камера бор. Ички ишлар органларидаги ислоҳотлар ва тизимда ўтказилаётган маънавий-маърифий ишлар ходимларни бундан чўчимасликка, аксинча, ўз ақл-заковати, маданияти ва профессионаллиги билан ҳар қандай вазиятда қонуний ва маданиятли ҳаракат қила олишларини исботлашлари керак. Қонуннинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим ходими сифатида улар, аввало, ўзлари қонунни ҳурмат қилишда ибрат бўлиб, фуқаронинг дардига ўз дардидай қараб, унга ёрдам қўлини чўзмоқда. Шу боис ҳам элимиз ходимларимизни алқаб, улар хизматини эътироф этмоқда.

Бугун тизимимизда кодекс талабларини бузган, хизмат интизомига совуққонлик билан қараган ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Лавозимидан озод этиш, жарималар ва тизимдан ҳайдаш каби жазолар интизомсизликка тоқат қилинмаслигининг исботидир. Шу билан бирга, ўз бурчини шараф билан бажараётган, фидоий ходимларимиз давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилиб, муддатидан олдин унвонлар ва кўкрак нишонлари билан тақдирланмоқда. Ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, замонавий иш шароитлари ва зарур техник воситалар билан таъминлаш тизимли равишда олиб борилмоқда. Амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида Янги Ўзбекистоннинг янги ички ишлар органлари ходимлари замонавий билимларни пухта эгаллаган, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр, халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячиларига айланишди.

Ички ишлар ходими бўлиш – бу шунчаки касб ёки форма кийиш эмас. Бу – ўз ҳаловатидан кечиб, бутун бир халқни ўз оиласидек ҳимоя қилиш демакдир.

Шу ўринда шарафли йўлда ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида жонини фидо қилган мард ўғлонларимизни ёд этмасликнинг иложи йўқ. Улар қонун устуворлиги, эл тинчлиги учун кўкрагини қалқон қилдилар. Халқимиз ўз қаҳрамонларини ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг оилалари, фарзандлари доимо давлатимиз ва халқимизнинг ардоғидадир.

Бугун маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш орқали халқимиз осойишталигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўйича тезкор-профилактик тадбирлар кучайтирилмоқда. Ички ишлар органларида сунъий интеллект ва рақамли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш каби масалалар соҳа фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинган.

Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўз жонини фидо қилган, террорчилик, сепаратизм ва экстремизмга, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳақиқий жасорат кўрсатган ички ишлар органлари ходимларининг муқаддас хотирасини ёд этиш, уларнинг беқиёс хизматларини эътироф этишга бағишланган монографиялар, китоблар яратилмоқда. Очерклар ёзилмоқда. Шеърлар битилмоқда.

Мустақиллик – бу шунчаки бир сўз ёки тарих саҳифасидаги сана эмас. Мустақиллик – бу бизнинг миллий ғуруримиз, озодлигимиз ва эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончимиздир. Лекин бу улуғ неъмат бизга ўз-ўзидан ёки осонлик билан келгани йўқ. Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, унинг тинчлигига раҳна солишни, халқимиз орасига нифоқ солишни истаган қора кучлар, экстремистик ва террорчилик оқимлари пайдо бўлди.

Ана шундай оғир ва таҳликали синов дамларида ички ишлар органлари ходимлари Ватан ҳимоясининг энг олдинги сафларида туриб, ғаразли кучларга қарши кўксини қалқон қилдилар. Мудҳиш воқеалар, юртимиз сарҳадларига қилинган тажовузлар ва эл осойишталигини бузишга бўлган уринишлар пайтида бизнинг мард аскарларимиз, фидоий ходимларимиз бир қадам ҳам ортга чекинмадилар.

Улар ким эди? Улар – орамиздаги оддий инсонлар, кимнингдир суюкли фарзанди, кимнингдир меҳрибон отаси, оиласининг суянчи эди. Аммо улар қасамёдига содиқ қолиб, ўз ҳаёти ва ширин жонларидан кечиб бўлса-да, миллионлаб ватандошларимизнинг хавфсизлигини таъминладилар. Уларнинг жасорати – бугунги тинч ва фаровон кунларимизнинг, фарзандларимизнинг кўзидаги қувонч ва бегубор кулгиларнинг пойдеворидир.

Терроризм ва экстремизмга қарши кураш – бу нафақат жисмоний, балки маънавий жасоратдир. Ёвуз кучлар инсонлар қалбига қўрқув ва ваҳима солишни мақсад қилган бир пайтда, ички ишлар ходимлари халқнинг давлатга, адолатга ва келажакка бўлган ишончини сақлаб қолдилар.

Ҳа, буюк халқимиз бизга энг азиз неъматини – ўз хавфсизлигини, фарзандларининг осойишталигини ишонган. Ушбу ишончни оқлаш, давлатимиз раҳбари ва халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши ўз қўлимизда. Касбий маданиятимизни юксалтирайлик, кийган формамиз ва погонимизнинг қадрини, муқаддас бурчимизни унутмайлик.

E’lon

Biznesni Rivojlantirish Banki

“BIZNESNI RIVOJLANTIRISH BANKI” ATB AKSIYADORLARINING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG‘ILISHI O‘TKAZILISHI TO‘G‘RISIDA XABARNOMA
(masofadan)

Sizni 2026-yil 20-noyabr kuni soat 10:00da masofadan turib elektron ovoz berish xizmati **http://evote.uz** orqali bo‘lib o‘tadigan “Biznesni rivojlantirish banki” ATB aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig‘ilishiga taklif etamiz.

Umumiy yig‘ilishda masofadan turib ishtirok etish va kun tartibiga kiritilgan masalalarga ovoz berish “Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi” AJning http://evote.uz elektron ovoz berish xizmati orqali ta’minlanadi. Aksiyadorlar platformadan foydalanish uchun elektron raqamli imzo kaliti (ERI) bilan identifikatsiyadan o‘tishlari lozim (platformadan foydalanish bo‘yicha Markaziy depozitariy telefon raqami: +99871 211-09-09).

Umumiy yig‘ilish kun tartibi:

1. Bank aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig‘ilishi reglamentini tasdiqlash;
2. Bank Boshqaruv raisini saylash to‘g‘risida.

“Biznesni rivojlantirish banki” ATB Kuzatuv kengashining 2026-yil 29-oktabrdagi qaroriga asosan:

Umumiy yig‘ilish o‘tkazish to‘g‘risida bank aksiyadorlarini xabardor qilish uchun reestrni shakllantirish sanasi: 2026-yil 29-oktabr.

Umumiy yig‘ilishda ishtirok etish huquqiga ega bo‘lgan bank aksiyadorlarining reestrini shakllantirish sanasi: 2026-yil 16-noyabr.

Yig‘ilish qatnashchilarini ro‘yxatga olish internet tizimi orqali elektron ovoz berish xizmatidan (http://evote.uz) foydalangan holda 2026-yil 20-noyabr soat 09:00da boshlanib 10:00da to‘xtatiladi.

Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig‘ilishiga oid hujjatlar hamda kun tartibiga kiritilgan masalalar yuzasidan tayyorlangan ma’lumotlar bilan **http://evote.uz elektron** sahifasi orqali tanishishingiz yoki **info@brb.uz elektron** manzili orqali so‘rov yuborishingiz mumkin.

Murojaat uchun telefon: (78) 150-76-65

Ибрат

Донишманд устоз

Устоз ўз ўқувчисини камондан ўқ узишга ўргатаётган эди. Ўқувчи камонни ва иккита ўқни олиб, машқ бажаришга шайланди. Бироқ, Устоз унинг олдига бориб, ундан ўқнинг бирини олиб қўйди.

– Нима учун иккинчи ўқимни олиб қўйдингиз? – сўради ўқувчи.

– Мен сендан иккинчи ўқингни эмас, биринчи ўқингни олиб қўйдим, чунки биринчи ўқинг барибир нишонга тегмас эди.

– Нима учун? – ҳайрат билан сўради ўқувчи.

– Чунки ўқ узаётиб, сен захирада яна битта уриниш борлигини англаб турган бўлар эдинг, мана шу хотиржамлик, инсоннинг энг катта душманидир, – деди устоз.

Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
Миси чиқғай сўзинг кўп бўлса бир кун.
Кўпайган сўзни бўлгай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидин ози бўлур соз.

Абдулла АВЛОНИЙ

Одамлар: “Пулим йўқ”, “Ишим йўқ”, “Оилам йўқ”, деб шикоят қилишади.
Негадир ҳеч ким: “Ақлим йўқ”, “Одобим йўқ”, “Фаросатим йўқ”, “Виждоним йўқ”, деб шикоят қилмайди.

Тоҳир МАЛИК

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Наримон УМАРОВ, Озода ПАРПИБОЕВА, Муҳаммад АЛИ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1001

Адади – 4 005
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.